“Фарғона вилояти ҳоким кубоги-2020” мусобақаси: финалда "Нефтчи" - "Турон"

Бугун, 6 феврал куни мусобақанинг ярим финал баҳслари ўтказилди.

Биринчи ярим финалда икки азалий рақиб – Фарғонанинг “Нефтчи” ва Қўқоннинг “Қўқон-1912″ жамоалари майдонга тушишди.

“Вилоят дербиси” номини олган ушбу қарама-қаршиликда “Нефтчи” жамоаси пенальтилар сериясида ғалаба қозониб, финалга йўлланма олди.

Иккинчи финалчи номи эса “Истиқлол” – “Турон” баҳсида аниқланди.

Шиддатли ва кескин курашлар остида ўтган баҳсда туманимизнинг “Турон” жамоаси 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, футбол мухлисларига навбатдаги қувонч ва фахр туйғусини улаша олди.

Шундай қилиб эртага бўлиб ўтадиган финал учрашувида “Нефтчи” ва “Турон” жамоалари бош соврин учун майдонга тушишади.

Эртанги учрашув Фарғона Давлат Университети стадионида бўлиб ўтади.

Ўз олдига жидий мақсадларни қўйиб улгурган туманимиз жамоаси - “Турон” га бўлажак финал баҳсида *омад* ёр бўлишини *тилаймиз*.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-02-06 17:36:02